O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

Ватаним нима берди деб эмас, балки мен Ватанимга нима бера олдим, унинг тинчлиги, фаровонлиги, келажаги йўлида нима иш қилдим, дея яшаш керак.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 1-may • Seshanba • 52 (27.697) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Балиқчи туманидаги Алишер Навоий номидаги ип-йигирув ва тўқув ҳиссадорлик жамияти жамоаси маҳсулот сифатини ошириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда. Улар жорий йилда 14 миллиард 628 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда.

Корхонада минг нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Уларнинг самарали ишлаши учун барча шароит яратилган бўлиб, жамият ҳисобидан бир маҳал иссиқ овқат бериш йўлга қўйилган.

Жамоанинг аҳиллиги боис, корхона маҳсулотларига талаб ҳам ортмоқда. Айни вақтда тайёрланган маҳсулотлар Россия, Туркия, Чехия, АҚШ, Бельгия, Жанубий Корея сингари мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Суратларда: корхона цехи; ишчи Шоира Қосимова.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 апрель куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг Тараққиёт ва ислоҳот ишлари бўйича давлат қўмитаси раиси Ма Кайни қабул қилди.

— Биз Ўзбекистон билан Хитой ўртасида қарор топган муносабатларни қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов. — 2005 йили Пекинда мамлакатларимиз ўртасида стратегик аҳамиятга молик ҳужжат — Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди. Ўзаро муносабатларимиз йилдан-йил тобора бой мазмун касб этмоқда.

Хитойнинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси эканлиги, халқаро аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда унинг нуқтаи назари ва қарашларига алоҳида эътибор берилиши, ҳарбий салоҳияти, коинотни тадқиқ этишдаги ютуқлари, шунингдек, ялпи ички маҳсулот, ташқи савдо ва экспорт ҳажми жиҳатидан етакчи ўнликка кириши, иқтисодий ўсиш борасида олдинги ўринларда туриши Чин юртининг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро сиёсат майдонидаги юксак нуфузидан далолатдир. «Осиё аждарлари»нинг аксариятини анча ташвишга солган 1997 йилги Жануби-шарқий Осиё иқтисодий бўҳрони Хитойга жиддий таъсир кўрсатмагани ҳам унинг нечоғли қудратли ва салоҳияти баландлигини кўрсатди.

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк ипак йўли давридан — неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Бугунги алоқалар ҳозирги замоннинг энг долзарб талабларига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашлари, халқаро ва минтақавий муаммоларга ёндашувлари ўхшаш эканлиги, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида мустаҳкам дўстона муносабатлар қарор топгани муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида давлат раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, илмий доиралар, маданият ва санъат намояндалари, иш одамлари даражасидаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани ҳам икки томонлама муносабатлар ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида равнақ топиб бораётганидан далолатдир. 2004 йили ХХР Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. 2005 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Хитойга борди. Пекин саммити асносида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао томонидан имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Хитойнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги муносабатлари ҳам ривожланиб бормоқда. Терроризм, экстремизм, айирмачилик каби таҳдидларга қарши баҳамжиҳат курашиш борасида давлатларимиз раҳбарлари ҳамфикрдир. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Мамлакатларимиз ўртасида энергетика манбаларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш, нефть кимёси, энергетика, транспорт, машинасозлик, алоқа ва ахборот технологиялари, таълим, спорт соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қиляпти. Бу ҳужжат алоқаларни ривожлантириш жараёнини соддалаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилади. Савдо-саноат палаталари, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилган.

Сармоявий ҳамкорлик хусусида Тошкент ва Пекин саммитларида эришилган келишувлар Ўзбекистонга қарийб 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида Хитой инвестицияси киритилишини назарда тутишини таъкидлаш жоиз. Жумладан, нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка сид битимнинг молиявий қиймати 600 миллион АҚШ долларига тенг. Яқинда Хитой Тараққиёт банки бош директори Ю Сяюпиннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки билан мазкур муассаса ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Ушбу ҳужжатга биноан Хитойнинг «Huawei Technologies» компанияси билан ҳамкорликда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига қиймати 18,3 миллион АҚШ долларига тенг телекоммуникация ускуналари лизинг асосида етказиб берилади.

Ма Кай Хитой Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидлаб, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик истиқболига доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Мамлакатимизда 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда 2007 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-573-сонли Қарори қабул қилинганлиги ижтимоий дастурларни амалга оширишда давлат органлари, турли муассаса ва ташкилотлар, кенг жамоатчиликка қўшимча омил бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тегишли тадбирлар режаси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2007 йил 27 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида ҳамда Сенатнинг тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши тўғрисида Сенат қўмиталари раисларининг ҳисоботлари тингланди. Мажлисни Сенат Раиси И.Собиров олиб борди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Сенатнинг ҳудудий вакиллик органи эканлигини инобатга олиб, қўмиталар ўз фаолиятларида кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, пенсионер ва талабаларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда. «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёшларнинг касб маҳорати ва маънавий камолотини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш ва спорт билан шуғулланишини кенг йўлга қўйиш, шунингдек ижтимоий ҳимоя тадбирлари манзилли ва аниқ йўналтирилган бўлишини таъминлаш ҳам аҳамият нуқтаи назаридан муҳим вазифалар ҳисобланади.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ҳамда Сенатнинг тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни бажариш, шунингдек ўтказилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш мақсадида Сенат қўмиталарининг аъзолари жойларда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг депутатлари, шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, раис маслаҳатчиларини ва фаоллар билан, фермер хўжаликларининг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказмоқдалар.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қўмиталарнинг аъзолари томонидан фуқароларни қабул қилиш, ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан уларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Фуқароларнинг 400 дан ортиқ мурожаатларида кўтарилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Қўмиталарда фуқаролардан тушган аризаларни жойларга чиқиб ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ, жумладан, 2007 йил 24 мартда «Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг аҳволи, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида Сенатда давра суҳбати ўтказилиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди. «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши ишчи гуруҳи томонидан Сурхондарё вилояти мисолида ўрганилди.

Шу йилнинг бошларида халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши билан биргаликда Ўрта Чирчиқ туманида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва доимий комиссияларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасидаги асосий вазифалари« мавзуида семинар ўтказилди. Семинарда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари томонидан фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. Тадбир якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига юборилди.

Самарқанд шаҳрида 26 апрель куни «Ногирон ва етим болаларни жисмоний тарбиялаш ҳамда соғломлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорлик» мавзуида конференция ўтказилди. Конференцияда вазирлик ва идораларнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар. Бундан ташқари, шаҳардаги 62-сонли ногирон болалар мактабига, шунингдек «СОС-Киндерсдорф« болалар уйига ҳомийлар маблағи ҳисобидан олинган ўқув ва спорт ашёлари топширилди.

Кенгаш мажлисида Сенат қўмиталари аъзолари томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасидаги тадбирларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар қилинганлиги таъкидлаб ўтилди. Қўмита аъзоларининг айни шу йўналишдаги имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг оғишмай ижро этилишини назорат қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Мажлисда муҳокама якунлари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ТАЛАБАЛАР ФОРУМИ

Тошкент ислом университетида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишига бағишланган республика талабалари форуми бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги олий таълим даргоҳлари талабалари, олимлар, ўқитувчилар иштирок этди.

Тошкент ислом университети ректори Ш.Ёвқочев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Р.Абдуллаев ва бошқалар миллат қиёфаси ва нуфузи маънавиятининг нечоғли юксаклиги, қадриятларининг қадрланиши, эътиқодининг мустаҳкамлиги билан ҳам белгиланишини таъкидладилар. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда боқий анъаналаримизни тиклаш ва асраб-авайлашга, аҳолини, айниқса, ёшларни буюк аждодларимизнинг бой меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга, алломаларимиз номлари билан боғлиқ муқаддас қадамжоларни обод этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқимиз маънавиятининг юксалиши, миллий ўзликни англаш билан боғлиқ бундай эзгу ишлар жаҳон миқёсида ҳам кенг эътироф этилмоқда. ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Анжуманда тинчлик, поклик, инсоф-диёнат, меҳр-мурувват манбаи бўлган муқаддас динимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш зиёлилар, шу жумладан, олимлар, ўқитувчилардан катта масъулият, фидойилик ва фаолликни талаб этиши алоҳида таъкидланди.

Форумда талабаларнинг исломшунослик, маданиятшунослик, ҳуқуқшунослик ва тарихшуносликка оид маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди. Урганч давлат университети талабаси Беҳзод Ёқубовнинг «Ислом Каримов — Маъмун академиясини қайта ташкил этилишининг ташаббускори», Тошкент ислом институти талабаси Асқар Ғиёсовнинг «Имом Бухорий илмий меросининг ислом оламида тутган ўрни», Тошкент ислом университети талабаси Абдумалик Тўйчибоевнинг «Ислом ҳуқуқи ва халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг ҳамоҳанглиги», Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Зилола Носировнинг «Мустақиллик даврида Ўзбекистонда анъанавий ҳунармандликни тиклаш ва ривожлантириш масалалари» каби мавзулардаги маърузалари тадбир иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Тадбир доирасидаги кўргазмада университет манбалар хазинасидаги нодир қўлёзмалар, анжуман иштирокчилари тайёрлаган ижодий ишлар — расмлар, ҳунармандлик буюмлари, меъморчиликка оид лойиҳалар кўргазмаси ташкил этилди.

Ижодий викторинада эса ёшлар ислом дини тарихи, маданияти, миллий маънавиятимиз асослари бўйича ўз билимини намойиш этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 1 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1038,51	1 Польша злотийси	453,56
1 Англия фунт стерлинги	2505,68	1 СДР	1915,71
1 Дания кронаси	230,00	1 Туркия лираси	914,16
1 БАА дирхами	341,86	1 Швейцария франки	1042,34
1 АҚШ доллари	1255,60	1 ЕВРО	1712,89
1 Миср фунти	221,35	10 Жанубий Корея вони	13,49
1 Исландия кронаси	19,57	10 Япония иенаси	105,06
1 Канада доллари	1125,19	1 Россия рубли	48,88
1 Хитой юани	162,94	1 Украина гривнаси	248,63
1 Малайзия рингити	366,97		

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ **Тадбир**

FUND FORUM. UZ

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ҚУДРАТИ

Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг фаолияти бугун халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Жамғарма ташкил этилганидан буён (2004 йил февраль) ўтган қисқа давр ичида халқаро майдонда ўзбек маданиятини намойиш этиш борасида катта ишларни амалга оширди. Эришилган натижалар эса ташкилотнинг нуфузи ортганлигидан, унинг лойиҳалари мамлакатимиз миқёсида танилганидан далолат беради. Жамғарма фаолияти аждодларимиз қолдирган бой меросни асраб-авайлаш, замонавий миллий санъат салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Пекин, Москва, Токио ва Париж шаҳарларида жамғарманинг ваколатхоналари очилган бўлиб, улар бугун муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Россия, Миср, Хитой, Япония, Франция, Люксембург, Бельгия ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкорлар билан ҳам яқин алоқалар ўрнатилган.

Ўтган давр мобайнида Хитой, Япония, Германия, Люксембург, Бельгия, Россия, Украинада «Ўзбек фотосанъатига 125 йил», Санкт-Петербургда «Шарқ ҳақида орзулар: рус авангарди ва Бухоро ипаклари» бадиий кўргазмалари намойиш этилди. 2004 йилдан буён ҳар йили баҳорда Москвада «Ўзбек санъати кечаси» ўтказилмоқда. Японияда Буюк ипак йўли мавзуига бағишланган кўргазма ва анжуманлар, Ўзбекистон, Япония ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда болалар расмлари кўргазмалари ташкил этилди. Жамғарманинг бу каби халқаро лойиҳалари хорижда эътироф этилиб, катта муваффақиятларга эришди.

2006 йил якунида жамғарма фаолияти билан яқиндан танишиб чиққан ЮНЕСКО ташкилоти унга катта қизиқиш билдирди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» томонидан амалга ошираётган лойиҳаларнинг миқёси, сони ва сифати ташкилот вакилларини ҳайратга солди. Чунки ҳозиргача дунёдаги ҳеч бир жамоат ташкилоти бундай кўрсаткичга эга бўлмаган. Натижада шу йилнинг март ойида Парижда жамғарма ва ЮНЕСКО ўртасида «Англашув меморандуми» имзоланди. Ушбу ҳужжат иккала ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши анжуманда алоҳида таъкидланди.

2-бет

❖ ЎзХДП вилоят кенгашларида

МАҚСАДИМИЗ ОЛИЖАНОБ

УНГА ЭРИШИШ УЧУН ФАОЛЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК, ЖОНКУЯРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Мамлакатимизда кўппартиявийлик шароитининг бугунги босқичи ҳар бир сиёсий институт олдига масъулиятли вазифалар қўймоқда. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашдек бош ғоя атрофида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонимизнинг жаҳонаро шуҳратини янада юксалтириш барча сиёсий кучлар учун умумий мақсад бўлса, бундан ташқари, уларнинг ҳар бирининг ўз муддаолари бор. Бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партияси парламент типидаги сиёсий куч сифатида ўзаро рақобат майдонида беғараз ва ҳалол рақобат тарафдоридир.

Бу сўзлар Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашида бўлиб ўтган партия фаолларининг учрашув-мулоқотида яна бир бор эътироф этилди. Унда партия Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Партия раҳбари фаоллар билан мулоқотга киришаркан, партия дастурий мақсадларининг асосий йўналишлари, уларнинг ижроси бўйича интилишларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, партия ташкилотлари томонидан электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилаётган эътибор, эришилаётган натижалар ва галдаги вазифалар ҳақида тўхталди. Партия Устав фаолиятини такомиллаштириш масаласида мулоҳаза, таклифларини билдирди. Президентимиз ташаббуси билан киритилиб, қабул қилинган ва келгуси йилдан тўла амал қиладиган Давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини оширишга қаратилган Конституциявий Қонун ҳақида тушунтириш бериб, мазкур ҳужжат фаолиятимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Мулоқотда иштирок этаётган Наманган вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ўзларини қизиқтирган ва айни вақтда долзарб бўлиб турган масалалар бўйича фикр ва таклифларини ўртага ташладилар.

Жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани, қолаверса, электоратимизнинг ижтимоий таркиби ёрдамга муҳтож аҳоли қатлами эканидан келиб чиқиб, ЎзХДП зиммасига янада жўшқин фаолият юритиш масъулиятини юклайди.

Бандлик масаласида реал ечимлар топиш, аҳолининг газ, электр энергияси, ичимлик суви билан таъминланиши бўйича ҳукумат қарорлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг бевосита фаолият йўналишига айланиши зарур.

Мулоқот давомида Наманган шаҳар, Косонсой, Тўрақўрғон, Чуст, Наманган туманлари кенгашлари, депутатлик гуруҳлари, «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қаноти фаолиятини такомиллаштириш ҳамда партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам ўртага ташланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎРГАНСА АРЗИГУЛИК ЮТУҚЛАР КЎП

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллиги ва мавқеини янада юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Юртимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар жаҳоннинг кўплаб давлатларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франциянинг Париж шаҳри олий инстанция суди прокурорининг ўринбосари, Париж хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича ахборот маркази маъмурий кенгаши аъзоси Француаз Гийо хонимнинг ташрифи бунинг далилидир.

Франциялик меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова билан учрашувида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оилани мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, гендер тенглигини таъминлаш доимий эътиборда. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурларига биноан оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кенг кўламли хайрли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Тиббиёт масканлари — она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш, шифо масканлари, поликлиникаларнинг фойдаланишга топширилиши, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши бунинг ёрқин далилидир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Фармонга мувофиқ хотин-қизларни, айниқса чекка ҳудудларда яшовчи аёлларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили»да бундай эзгу юмушлар кўлами янада кенгайгани эътиборга моликдир.

Учрашувда франциялик меҳмон Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини янада ошириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, гендер тенглигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга юксак баҳо берди. Бу йўналишда Ўзбекистонда бошқа давлатлар ўрганса арзийдиган ижобий тажриба тўпланганини алоҳида таъкидлади.

Ф.Гийо хоним Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров билан учрашди. Тошкент шаҳрида ўтган «Аёл ва спорт» мавзуидаги халқаро анжуманда иштирок этди. Бухоро ва Самарқандда бўлиб, мазкур вилоятлардаги хотин-қизлар ижтимоий мослашуви марказлари фаолияти билан атрофлича танишди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Жомбой туман кенгаши *«Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан тумандаги Қишлоқ хўжалиги коллежи ҳамда 26, 28-мактабларда миллий ғоя тарғиботига бағишланган учрашув ва семинар тренинглар ташкил этилди.*

Самарқанд туман кенгаши *«Истиқбол» ёшлар қаноти «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ва Ўзбекистон ХДП Дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган тадбирлар доирасида туман газ таъминоти идорасида партия фаолларининг ишчи-хизматчилар, партия аъзолари ҳамда ёшлар билан учрашувини ўтказди. Иштирокчилар партия фаолияти билан яқиндан танишдилар. Уларнинг 19 нафари ЎзХДПга аъзо бўлиш учун ариза берди.*

Уйчи туман кенгаши *ташаббуси билан тумандаги Маиший, Қишлоқ хўжалик ва Агросаноат касб-ҳунар коллежларида маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалла маслаҳатчилари, фуқаролар, болалар боғчалари мудиралари иштирокида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш доирасида учрашув ташкил этилди. Тадбирда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, олдиндаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.*

Хонқа туман кенгаши *«Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан тумандаги 7 та касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган талабалар иштирокида «Ижодкор ёшлар» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда ғолиб бўлганларга туман партия кенгаши ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.*

Янгиариқ туман кенгаши *9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Кўриктом маҳалласида «Ўтганлар хотираси азиз» мавзуида тадбир ўтказди. Унга таклиф этилган меҳнат ва уруш фахрийлари шу куни эъзозда, эътиборда бўлишди. Сўзга чиққан фахрийлар ёшларга ватан тинчлиги энг олий саодат, энг олий бахт экани, уни асраб-авайлаш шу юрт, шу элнинг асл ўғлонларига хослигини таъкидладилар.*

Ўзбекистон ХДП
МК матбуот хизмати

❖ ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

ИШОНЧ ОҚЛАНСА, ХАЙРИХОҲЛАР КЎПАЯДИ

Ўзбекистон ХДП кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналари партия электорати манфаатларини кўзлаб иш юритишда қўл келмоқда. Қабулхоналарга мурожаат этувчи фуқаролар сони кўпайиб бормоқда. Бунга сабаб шуки, амалий ишлар натижасида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари ишончини қозонишга муваффақ бўлинмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раисининг ўринбосари Алписбой ИБОДУЛЛАЕВ билан Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти хусусида суҳбатлашди.

— Алписбой Худойбергенович, ХДП Қорақалпоғистон республика, туман ва шаҳар кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарининг ўтган даврдаги фаолияти ҳақида қисқача тўхталсангиз.

— Жамоатчилик қабулхоналарига қилинган ҳар бир мурожаат эътибордан, назоратдан четда қолаётгани йўқ. ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, туман ва шаҳар кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналарига ўтган йили ва жорий йилнинг биринчи чорагида 700 дан ошиқ фуқаро мурожаат қилди. Улардан 40 фоизи ногиронлар, пенсионерлар, нафақахўрлар ва вақтинчалик ишсизлар, 20 фоизи ўқитувчилар ва соғлиқни сақлаш ходимлари, 24 фоизи ёшлар ва 33 фоизи хотин-қизлардир. Берилган ариза, шикоят ва билдирилган илтимос ҳамда таклифларнинг 78 фоизига қаноатлантирилди.

— Бу кўрсаткични ижобий, деб баҳолайсизми? Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятидаги имкониятлар ва мавжуд камчиликлар тўғрисида ҳам фикрингизни билишни истардик.

— Жамоатчилик қабулхоналарига одамлар бежиз мурожаат қилаётгани йўқ. Бу ЎзХДПга бўлган ишончнинг ортиб бораётганлигидан дарақдир.

Албатта, партиямиз ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, биринчи навбатда ўз электоратининг талаб-эҳтиёжларини ўрганиши, уларнинг ечимини топиши ва шу билан рақобатдошларидан устунликка эришишга интилиши лозим. Бу борада Жамоатчилик қабулхоналари яхши восита бўлди. Улар партиямиз электорати таркибидаги турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини уйғунлаштириш имкониятини берди.

Мурожаатларнинг ҳаммасини ҳам тезда ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Аммо, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ЎзХДП Қонликўл, Шуманай туман партия кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналари айрим ойларда фаолият кўрсатмади. Бу ҳолатга маҳаллий кенгашлар раҳбарлари партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш, ХДП аъзоларига янги намунадаги партия билетларини топшириш ва бошқа ишлар билан банд бўлдик, дея жавоб бердилар. Улар бундай баҳона топгунча Жамоатчилик қабулхоналарига ХДП фаоллари ва депутатларни, ёрдам беришга иштиёқи бор партиядошларимизни кўпроқ жалб қилишлари керак эди.

— Жамоатчилик қабулхоналарининг ўтган даврдаги фаолиятининг таҳлили хулосаларидан келиб чиқиб, кўзланган мақсадга эришилди, деб ҳисоблаймизми?

— Юртбошимиз томонидан 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди. Бундан мақсад — авваламбор, халқимизнинг турмуш даражасини янада кўтариш учун мавжуд салоҳият ва имкониятларни ишга солишга барчани жалб қилиб, ижтимоий муаммоларни ечишдир. Бу эса Ўзбекистон ХДПнинг барча ташкилотларига алоҳида масъулият юклайди, айнан Жамоатчилик қабулхоналарини янада фаолроқ ишлашга даъват этади. Мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ижтимоий йўналишдаги Фармон ва қарорларни фуқароларга тушунтириш, уларнинг ижросида фаол иштирок этиш ва бор имкониятлардан фойдаланиш натижасида кўзланган мақсадга албатта, эришамиз.

— Жамоатчилик қабулхоналари томонидан жойлардаги муаммолар ечимини топишда қандай амалий ишлар қилинди?

— Биз фуқароларнинг мурожаатларидан келиб чиқиб, муаммоларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилмоқдамиз.

Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг энг шимолида, кенг ҳудудда, қишлоқ ва овуллари бир-биридан узоқда жойлашгани учун аҳолини табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви, турар-жой ва иш билан таъминлашда муаммолар йўқ эмас. Бу муаммолар маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва фаоллари ҳамда депутатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида ўз ечимини топиб бормоқда. Шу ўринда мисоллар келтириб ўтсам.

Халқ депутатлари Тахиатош шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи ташаббуси билан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг турар-жойлари ҳомийлик ва ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди.

Ўзбекистон ХДП Тахиатош шаҳар кенгаши раиси Д.Дурдиев Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилган фуқароларнинг мутахассислиги, истаги ва қобилиятларини ўрганиб чиқиб, шаҳар ҳокимлиги ва тегишли идоралар раҳбариятига таклифлар киритди. Натижада ХДП аъзоси О.Дурдиева раҳбарлигида тикувчиликка ихтисослашган «Тахиатош — Гунеш» хусусий касаначилик корхонаси иш бошлади. Ҳозирда бу корхонада 25 нафар хотин-қиз гиламдўзлик ва тикувчилик билан шуғулланмоқда. Яқинда корхона кенгайтирилиб, яна 15 та иш ўрни яратилди.

Тўрткўл тумани ҳокими, сенатор А.Иброҳимов, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Х.Ибодуллаеваларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида ХДП туман кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилганларнинг кўпчилиги ишга жойлаштирилди.

Муаммолар ечимини топишда, мутасаддиларни шунга ундашда партия нашрларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Партиямиз газеталарида эълон қилинган турли мавзулардаги танқидий мақолаларда кўтарилган масалаларга ўз вақтида муносабат билдирилмоқда. Масалалар ижобий ҳал қилинмоқда.

Партиямиз электорат манфаатлари учун курашмоқда. Биз электоратимиз манфаатларини кўзлаб қатъий ҳаракат қилсак, амалий ишларни бажарсаккина партияга хайрихоҳлар сони ортади.

Суҳбатдош:
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Янгилик

ЖАМҒАРМА СПОРТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Ўзбекистоннинг умидли ёш спортчиларини қўллаб-қувватлаш учун махсус жамғарма ташкил этилди. Уни бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси биргаликда ташкил этди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Болалар спорт мажмуида биринчи грантларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу ерга таниқли спортчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда республика ва халқаро турнирларда ўзини кўрсатган ёш спортчилар тўпланди.

Бокс бўйича миллий ва халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашган Азамат Абдуҳакимов ва Зоҳид Султонов, ёш курашчилар Элдор Ҳафизов ва Феруз Нусратов, бадиий гимнастика бўйича республика биринчилигининг мутлақ ғолиби Камилла Тўхтаева, бадиий гимнастика бўйича Москвада ўтказилган «Baby Cup-2007» халқаро мусобақаларида жуфтлик баҳсида биринчи ўринни эгаллаган Евгения Ларионова ва Иман Азизова, бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионати кумуш медали соҳиби Вероника Есипова, Куала-Лумпурда ўтказилган ушу бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионатида кучли саккизликка кирган Руслан Эргашев ва Ерлан Маирбеков дастлабки 10 та грант соҳиблари бўлди.

Ёш спортчиларга грант сертификатларини ўзининг Штутгартда қозонган тарихий ғалабаси билан мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ҳақиқий спорт мамлакатига айланганини яна бир бор исботлаган Руслан Чагаев топширди.

Юртимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳбарлигида ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Нафақат йирик шаҳарлар, балки чекка қишлоқларда ҳам спорт билан фаол шуғулланиш учун барча шароит яратилмоқда, замонавий спорт мажмуалари ва заллари бунёд этилмоқда, кўплаб секциялар ишлаб турибди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» каби болалар, ўсмирлар ва талабалар ўйинларининг ноёб тизими ўз самарасини бермоқда. Бундай кенг кўламли ишлар натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистон вакиллари кўплаб нуфузли халқаро мусобақалар, шу жумладан жаҳон, Осиё чемпионатлари ва Олимпия ўйинларида ғолибликни қўлга киритмоқда.

Спорт соҳасида эришилаётган бундай юқори натижалар халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрўсини оширмоқда, шу боис мамлакатимиз спорти ривожини қўллаб-қувватлаш «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Шу муносабат билан Болалар спорт мажмуидаги тадбир давомида юртимизнинг ҳамма ёшлари учун спорт жасорати, ғалабага интилиш тимсолига айланган Руслан Чагаевга ҳам махсус грант топширилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу жамғармани ташкил этиш ташаббуси жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Жамғармага маблағлар келиб туша бошлади, улар спортни ривожлантириш ва ёш спортчиларга кўмаклашишга сарфланади.

— Мен сиз, навқирон дўстларимнинг турли спорт мусобақаларида кўплаб ғалаба қозона олишингизга ишонаман, — деди ёш спортчиларга қарата Р.Чагаев. — Бугун ўз истеъдодингизни ривожлантиришингиз учун ҳамма шароит бор. Сизларнинг вазифангиз — спортдаги ютуқлар билан она Ўзбекистонимиз довруғини янада кенгроқ таратишдан иборатдир.

Тадбир давомида ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ташкил этилди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири
М.АМИН (ЎзА) олган сурат

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ҚУДРАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан алоқаларимиз анча олдин бошланган, — **дейди ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Барри Лейн.** — Лекин бу даражада расмий эмасди. Масалан, ҳамкорликда Ўзбекистон кулолчилигига бағишланган тадбир ташкил этилган. Ушбу тадбир доирасида ўзбекистонлик кулоллар иштирокида бир қатор анжуманлар ўтказилган...

Одатда ЮНЕСКО билан жамоат ташкилотлари ўртасида «Англашув меморандуми»ни тайёрлаш ва имзолаш жуда кўп йилларни талаб этади. Лекин бу ҳужжат мазкур жамғарма билан қисқа фурсатда имзоланди. Бу даражадаги келишувнинг амалга ошишининг бош омили — «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ўзининг кенг қамровлилиги ва фаоллиги билан жуда катта ютуқларга эришгани бўлса керак.

Ушбу меморандумнинг имзоланиши Париж шаҳрида жамғарманинг Европадаги илк ваколатхонаси очилишига асос бўлди. Мазкур тадбир доирасида дунёга машҳур Лувр музейининг нуфузли залларидан бири «Carrousel du Louvre»да мамлакатимизнинг етакчи либос дизайнерлари, санъаткорлари иштирокида шоу-дастур ва Франция Сенатининг Люксембург саройида «Ўзбек фотосанъатига 125 йил» номли кўргазма ташкил этилди. Булар Франция жамоатчилиги орасида катта қизиқиш уйғотди.

— Парижда очилган «Ўзбек фотосанъатига 125 йил» кўргазмаси тақдимотидан кейин журналистлар, етакчи мутахассислар «албатта, биз Ўзбекистон маданияти, санъати ва тарихи билан яқиндан танишмиз, лекин бу даражада ноёб, очилмаган қирраларини намойиш этиш мумкинлигини ҳеч тасаввур қилмаган эдик», деган фикрни айтишди, — **дейди Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Кўзиев.** — Менимча, икки йирик маданий воқеанинг аҳамияти беқиёс. Жамғарманинг лойиҳалари бу билан чегараланмайди.

●●●

Худди шу куни пойтахтимиздаги Ўзбек либослари галереяси биносида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган Миллий санъат марказининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу марказ анъанавий санъат билан бир қаторда рангтасвир, ҳайкалтарошлик, дизайн, кино, театр, миллий рақс, тўқимачилик каби замонавий санъат йўналишларини ҳам ўзига бирлаштиради. Шундай қилиб, бу ерда таниқли ҳунармандлар ҳамда турли халқаро кўргазма ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этган ёш ижодкорларнинг асарларини кўриш мумкин. Кўргазмалар залида халқаро тадбирлар, яъни анъанавий ва замонавий санъат кўргазмаларини, хорижлик маданият арбоблари иштирокидаги мастер-класслар, дефиле ва ёшлар акцияларини ўтказиш режалаштирилган. Миллий рақс катта саҳнасида эса мунтазам равишда мамлакатимизнинг энг яхши ижрочилари иштирокида ижодий кечалар ташкил этилади. Шу билан бирга зардўз ва ўймакор усталар, миниатюрачилар, гилам тўқувчилар, заргарлар ва бошқа ҳунармандларнинг ишлари намойиш этилмоқда.

— Миллий санъат марказининг очилиши маданий ҳаётимиздаги энг катта воқеалардан бири ҳисобланади, — **дейди Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев.** — Кўргазма зали ва ўз дўконларига эга бўлиши бизни беҳад қувонтирди. Маданий ўчоқлар нуқтаи назаридан тасвирий санъатнинг омади келган. Бизда танлаш имконияти пайдо бўлди. Келгусида бу ерда турли хил кўргазмалар ташкил этилади. Натижада ижодкор билан томошабин ўртасида яқинлашув пайдо бўлади. Менимча, рассомнинг асосий вазифаси ижод қилиш ва ўз мухлисини топиш. Шундай экан, ушбу марказнинг аҳамияти беқиёс.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

❖ Мутахассис шарҳи

ҚАРОР БУГУНДАН КУЧГА КИРАДИ

ЁКИ АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ЧАКАНА САВДО ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОР ҲАҚИДА

Истеъмолчи сифатида ҳаммамиз ҳам эҳтиёжимизга керакли маҳсулотни харид қиламиз. Лекин кўпинча сотиб олаётган маҳсулотимиз сифати билан қизиқиб ўтирмаймиз. Ваҳоланки, сизу биз истеъмолчи сифатида сотувчидан маҳсулот сифатини, қаерда, қачон ишлаб чиқарилганлигини сўрашимиз керак.

Президентимизнинг шу йил 16 мартдаги «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори республикамиз аҳолиси саломатлигини муҳофаза этишга қаратилган муҳим ҳужжатдир.

Қарор бугундан эътиборан кучга киради. Унга кўра алкоголли маҳсулотлар юридик шахслар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан берилган алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномалари асосида фақат назорат-касса машиналари билан жиҳозланган ихтисослаштирилган дўконлар, алоҳида савдо заллари (секциялар) орқали сотилиши тартиби белгиланди.

Бундан ташқари, алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилувчи савдо шохобчалари ўқув масканлари, болалар тарбия муассасаларидан ҳамда диний муассасалардан камида 500 метр масофада узоқликда бўлиши керак.

Автобус ва метрополитен бекатлари, даволаш-профилактика, спорт-соғломлаштириш муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ошхоналарида ҳамда сайлгоҳ ва аҳоли дам олиш масканларида, аэропорт, темирйўл вокзаллари ва автомобиль шоҳбекатлари ҳудудида алкогол ичимликлари савдоси билан шуғулланиш мумкин эмас.

Истеъмол бозорига сифатсиз, сертификатланмаган алкоголли маҳсулотлар кириб келиши ва сотилишига йўл қўйилмайди. Савдо ташкилотлари алкоголли маҳсулотлар чакана сотилишининг белгиланган талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан назорат кучайтирилди. Бундан ташқари, алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилувчи юридик шахслар томонидан Қарор талаби бузилса, уларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробаридан 300 баробаригача миқдорда жарималар қўлланилади ҳамда уларга берилган рухсатномалар бекор қилинади.

Президентимизнинг Қарори бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлган алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни тартибга солади. Бундан кўзланган мақсад-муддао битта — мамлакатимиз аҳолиси саломатлигини муҳофаза этиш, тегишли ҳужжати бўлмаган, сифатсиз алкоголли маҳсулотлар савдосига чек қўйиш. Қисқача айтганда, энди ноқонуний ишлаб чиқарилган ёки олиб келинган, сифат сертификати бўлмаган ва турдаги маҳсулотлар билан савдо қилганлар жазоланади. Тартибни бузганлар жаримага тортилиб, махсус рухсатномалар бекор қилинади. Гапнинг лўндаси, Қарорга зид ҳолда иш юритганларга нисбатан қонуний чоралар кўрилади.

Давлатимиз раҳбарининг Қарори муҳим аҳамиятга эга. Негаки, фуқароларимиз ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ бу ҳужжат бугунги кун талабидан келиб чиқиб қабул қилинган. Сир эмас, дўконларда баъзан қўлбола усулда тайёрланган сифатсиз алкоголли маҳсулотлар сотилиш ҳолатлари рўй бериб туради. Энди бундай нохуш ҳолатларга тўсиқ қўйилди. Қарор талабларини бажариш, эса бизнинг зиммамиздаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонгир ҲУСАИНОВ,
Тошкент вилояти ДСБ масъул ходими

❖ Огоҳлик — давр талаби

Баҳор мавсумининг ўзига яраша инжиқлигию, кутилмаган тасодифлари бор.

Сел ва сув тошқинлари, қор ва тупроқ кўчкилари асосан шу ойларга тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, фуқаро муҳофазасига масъул бўлган мутасадди ходимларнинг амалга ошириши лозим бўлган юмушлари янада ортади. «Хавф рўй бермай туриб унинг олдини олган афзал», дейдилар. Шундай экан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги бошқармалари томонидан бу борада қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Эргаш ИКРОМОВ қуйидагиларни сўзлаб берди.

ТАЙЁРГАРЛИК — ХАВФСИЗЛИК ОМИЛИ

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкин, сел, қор кўчишлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан пойтахт ҳудудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёсидан ҳосил бўлган 105 та канални ўз тасарруфига олган Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармаси, Бўзсув ирригация тизими бошқармаси, Гидрогеология мелиоратив экспедицияси, Ихтисослаштирилган суғориш шохобчалари, кўкламзорлаштириш, парвариш қилиш ва таъмирлаш марказий бошқармаси томонидан каналлар қирғоқларини мустаҳкамлаш, кўприклар туби ва ўзанларини маиший чиқиндилардан тозалаш бўйича режа асосида ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳрига Бўзсув ирригация тизими бошқармаси тасарруфидаги каналлар орқали сув кириб келади ва бевосита шаҳар ҳудудидан оқиб ўтади. Ушбу каналлардан Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармаси тасарруфида бўлган каналлар сув олади ва шаҳарнинг ўзида барча каналлар ободонлаштириш ва суғориш ишлари учун фойдаланилади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг кўрсатмасига асосан, 2007 йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида Тошкент шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи сувларнинг тошиши мумкин бўлган қисмини таъмирлаш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун зарур ташкилий ва тайёргарлик тадбирларини олиб бориш мақсадида шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи барча каналлар ҳолати ўрганилди.

Пойтахтдаги 2521-автожамланма қошида тезкор ҳаракат қилувчи отряд шай ҳолатга келтирилиб, 2-сонли автобус саройида 25 та автобус, 2521-автожамланмада 25 та бортли автоуловлар фуқароларни ташиш учун ажратилган бўлса, авария-таъмирлаш гуруҳларини ва уларнинг асбоб-ускуналарини ташиши учун 8-сонли автобус саройида 10 та автобус, 2515-автожамланмада 10 та бортли автоулов билан таъминланган гуруҳ тузилиб, ёқилғи-мойлаш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминланди. Бундан ташқари, оғир-муҳандислик техника, юк ташиш автоуловлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари баҳорги-ёзги мавсумда оқиб ўтувчи сувларни хавф-хатарсиз ўтказиш, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш учун 10 та жиҳозланган тез ёрдам машиналари шай турибди. Шошилинч тиббий ёрдам бригадалари тайёр ҳолга келтирилди, шифохоналарда қўшимча жой захиралари ажратилди. Шунингдек, шаҳар бўйича оғир муҳандислик техникаси, автокранлар, йўловчи ва юк ташиш автотранспортларининг аниқ рўйхати тузилиб, пойтахт ҳудудидан оқиб ўтувчи сувларни ҳалокатсиз ўтказиб юбориш учун зарур маблағ ва жиҳозлар ажратиш кун тартибидан жой олди.

Айни пайтда Тошкент шаҳар ИИББнинг Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида баҳорги-ёзги мавсумда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун бирлаштирилган гуруҳ тузилган бўлиб, авария-таъмирлаш гуруҳлари кечаю-кундуз шай ҳолатда турибди. Ҳар бир туманда биринчи тиббий ёрдам кўрсатувчи санитар дружиналари ташкил қилиниб, уларга етарли жиҳозлар ажратилди.

Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудидан оқиб ўтувчи Анҳор каналининг муайян қисми техника ва кўл кучи билан, Собир Раҳимов тумани Абдурахмонов кўчаси, Қорақамиш 1/2 даҳаси ҳудудидан оқиб ўтувчи Дамаши каналининг қувур олди ва ички қисми, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, Миробод ва Сирғали туманлари чегарасидаги Ким Пен Хва кўчасини кесиб ўтувчи Толарик каналининг кўприги, Юнусобод ва Мирзо Улуғбек тумани ҳудуди, яъни Ҳайвонот боғининг орқа томонидан оқиб ўтувчи Салор каналининг ўзани тозаланди.

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг ихтисослаштирилган суғориш шохобчалари, кўкламзорлаштириш, парвариш қилиш ва таъмирлаш марказий бошқармаси тасарруфида бўлган умумий узунлиги 110,7 км. ни ташкил этувчи 51 та каналда тозалаш ишлари давом эттирилмоқда. Ҳозирча каналларнинг санитар ҳолати қониқарли бўлиб, қирғоқларидан сув тошиш хавфи йўқ.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси рахбар ходимлари каналларни тасарруф этувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишларга масъул этиб тайинланган ҳамда бошқарма томонидан туну кун назорат олиб борилмоқда.

Фуқаро муҳофазаси хизматлари томонидан сув тошқини хавфининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида ҳозирга қадар сув тошқини билан боғлиқ табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларга йўл қўйилмади.

Азамат СУЮНОВ ёзиб олди.

ТЕКШИРУВНИ БОШЛАДИ

Украина бош прокуратураси апрель ойи бошидан бери Киев шаҳрида давом этаётган митингларга талабалар жалб этилиши юзасидан текширувларни бошлади. Бош прокурор ўринбосари Татяна Корнякова Ички ишлар вазирлигига тақдим этган манбага асосланиб «ЛІАБізнесІнформ» бу ҳақда хабар тарқатди.

Шуни таъкидлаш лозимки, алоҳида текширувлар натижалари бўйича жиноий ишлар қўзғатилди.

Т.Корнякованинг айтишича, талабалар ҳақиқатан ҳам дарслардан қолдирилиб, хавфли шароитларда пойтахтга олиб борилмоқда экан.

Эслатиб ўтамиз: апрель ойи бошидан бери Киевнинг Майдан, Европа майдонларида, Украина Конституциявий суди биноси олдида ва Олий Рада биноси яқинидаги Мариинск майдонида ҳукумат-парламент коалицияси ҳамда мухолифат тарафдорларининг кўп минг кишилик норозилик митинглари давом этмоқда. Ҳукумат-парламент коалицияси тарафдорлари президентнинг Олий Радани тарқатиб юбориш ва 24 июнда навбатдаги парламент сайловларини ўтказиш ҳақидаги фармонига норозилик билдиришаётган бўлса, мухолифат тарафдорлари эса бу фармонни қўллаб-қувватлаб, митинглар ўтказишмоқда.

ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Эстония пойтахти Таллинда оммавий тартибсизликлар собиқ совет аскарларининг биродарлик қабрларини бошқа жойга кўчириш бошлангандан сўнг жиддий тус олиб кетди, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида.

Гап шундаки, бир томондан қабр кўчирилишига қарши бўлган Эстонияда яшовчи русийзабон омма, иккинчи томондан қабр кўчирилишини ёқловчи эстон миллатчилари оммаси бир-бирларига қарши шиорлар кўтариб, бақириқ-чақириқлар билан намойиш ўтказаётган пайтда тўқнашув юз берди. Гарчи, бунинг олдини олиш учун полиция қанчалик саъй-ҳаракат кўрсатмасин барибир уддалай олмади.

Полиция берган маълумотга кўра, икки кун давом этган оммавий тартибсизликлар натижасида 1 киши қурбон бўлди, 65 киши турли даражада тан жароҳати олди, уларнинг 6 нафари полиция вакилларидир.

Тартибсизликларни бостириш учун полиция «водомёт» ва бошқа воситаларни қўллади.

600 дан ортиқ «қўзғолончи» полиция томонидан қўлга олинди, уларнинг 40 дан ортиғи русийзабон фуқаролар яшовчи Йыхви ва Кохтла-Ярве шаҳарлари вакилларидир. «Қўзғолончи»ларнинг асосий қисми 14 дан 16 ёшгача бўлган ўсмирлардир.

Ҳозир Таллинда кучайтирилган назорат тартиби ўрнатилди. Тартибсизликлар юзасидан тергов-суриштирув ишлари бошланди.

БИРИНЧИ БАҲС-МУНОЗАРАЛАР

АҚШ Демократик партиясидан мамлакат президентлигига номзодларнинг Шимолий Каролина штатида бўлиб ўтган биринчи баҳс-мунозараси уларнинг қай бири шуҳрати баландлигини ажратиб беролмади.

Шу баҳс-мунозаралардан сўнг 500 нафар вояга етган америкалик ўртасида Сиёсат ва жамоат институти мутахассислари томонидан ўтказилган сўров натижалари шундан далолат бермоқдаки, сўровда иштирок этганларнинг 57,1 фоизи ким учун овоз бериши борасида ҳали аниқ бир тўхтамга кела олмаган.

Бироқ қолганлар эса ўзига маъқул номзодни танлаб бўлган. Сўровда аниқланишича, қатнашчиларнинг 10,4 фоизи Нью-Йорк штатидан сенатор-демократ Хиллари Клинтон учун овоз беришини билдирган. Иккинчи ўринда эса унинг партиядоши Иллинойс штатилик Барак Обама кетмоқда — 9,1 фоиз. Яна бир демократ Жон Эдвард учун эса 8 фоиз иштирокчи овоз беришини айтган.

Кейинги ўринлар қуйидагича кўриниш олди: республикачилар партиясидан номзод, Нью-Йорк шаҳрининг собиқ мэри Рудольф Жулианини — 5,3 фоиз, Жон Маккейнни 1,3 фоиз иштирокчи қўллаб-қувватлашини билдирган. Қолган номзодларни ёқловчилар эса 1 фоизга ҳам етмаган.

Дарвоқе, ИТАР-ТАСС хабар беришича, Шимолий Каролина аҳолиси сайловларда ҳар доим республикачилар учун овоз беришган. Фақат 1976 йилдагина демократлардан номзод Жимми Картерни қўллаб-қувватлашган.

АҚШни МУЗОКАРАГА ЧАҚИРДИ

Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича вакили Хавьер Солана АҚШ маъмуриятини ядро масалалари бўйича Эрон билан тўғридан-тўғри музокара ўтказишга чақирди. Бу ҳақда у Брюсселда ўтказилган конференцияда алоҳида таъкидлади.

Хавьер Солананинг айтишича, Эрон бу борада музокара ўтказишга тайёр. Шунинг учун Хавьер Солана яқин кунларда Америка ҳукумати билан музокара мавзусини муҳокама этмоқчи эканлигини билдирди.

«Reuters» ахборот агентлигининг эслатишича, шу йил 24 апрелда Эрон президенти Маҳмуд Аҳмади Нежат ядро масалалари бўйича Жорж Буш билан тўғридан-тўғри музокара ўтказиш таклифини ўртага ташлаган эди. Ўтган йили эса телебаҳс-мунозара ўтказишга тайёрлигини билдирганди. Бироқ АҚШ бу чақириқларни жавобсиз қолдирди.

Жорж Бушнинг Эронга нисбатан муносабати ўта қатъий. «Эрон — бу жиддий муаммо, — дея баёнот берди яқинда у. — Бизнинг ўйлашимизча, бу мамлакат ядро қуролига эга бўлмоқчи».

Оқ уй маъмурияти Эронни нафақат ядро қуролига эга бўлиш учун интилаётганликда айбламоқда, балки Ироққа ўз таъсирини ўтказаётганликда, қурол-яроғ етказиб бераётганликда ҳам айбламоқда.

АХБОРОТ ТАҚЧИЛЛИГИ БОИС

Европанинг «Airbus» авиақурилиш компанияси ҳамда «EADS» аэрофазовий концернининг шўъба корхонаси касаба уюшмалари компания тизимини ўзгартириш бўйича режа ҳақида ахборотга эга эмаслигидан арз қилдилар. «Airbus»нинг Франция, Германия, Испания ва Буюк Британиядаги касаба уюшмалари вакилларининг айтишларича, компания тизимини қайта ўзгартириш бўйича «Power-8» режасининг айрим жиҳатлари ҳануз тушунарсиз қолмоқда. «Airbus»да иш ўринлари қисқартирилиши ҳақида хабар эълон қилинганига уч ой бўляпти, лекин қисқартириш кимларнинг ҳисобига амалга оширилиши ҳақида ҳалиям бизга ахборот беришмаяпти» деди касаба уюшма вакилларидан бири.

Маълумки, «Power-8» режасига кўра, «Airbus» 10 минг ишчи ўрнини (5 минг нафари штатдаги ишчилар, 5 минги ёлланма ишчилар) қисқартириши лозим.

«Associated Press» ахборот агентлиги хабарига кўра, шу кунларда авикомпания ташкилотларида 57 минг киши меҳнат қилмоқда, пудратчи субъектлари эса 30 минг киши.

Режага кўра, компания Франциядаги заводида 4,3 минг, Германиядаги заводида 3,9 минг, Буюк Британияда 1 ёки 1,5 минг, Испанияда — 500 ишчи ўрнини қисқартиришни назарда тутмоқда. Бундан ташқари, компаниянинг 16 та корхонасидан 6 тасини тугатиш ҳам режага киритилган.

«Airbus»нинг ижрочи директори Л.Галуганинг айтишича, компанияда ислоҳотлар ўтказишга ҳозирдан киришилмаса, кейин кеч бўлади, яъни компания инқирозга юз тутиши мумкин.

Маълумки, «Airbus» конструкторлик ва ишлаб чиқариш марказларини ўз ичига олган (улар Франция, Германия, Буюк Британия ва Испанияда жойлашган, шунингдек, АҚШда, Хитой ва Японияда шўъба корхоналари бор) трансмиллий авиақурилиш компаниясидир. Европанинг «EADS» аэрофазовий ва мудофаа концерни ҳамда «BAE Sustems» фирмаси «Airbus»нинг акциядорлари ҳисобланади.

АЙБЛОВ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Маълумки, 2006 йил сентябрда Италиянинг собиқ бош вазири Сильвио Берлускони коррупцияда айбланиб, унинг устидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилаётган эди.

«Sky News» хабар беришича, Милан суди собиқ бош вазирга нисбатан, эълон қилинган барча айбловларни яқинда бекор қилди.

Берлусконига қўйилган айбловлар биринчи бор 2004 йили олиб ташланган эди. Ўша пайтда у амал курсисида — бош вазир бўлгани учун ўзи раҳбарлигида қабул қилинган қонунчилик унинг устидан жиноий иш очилишига йўл қўймас эди. Шунинг учун Берлускони амалдан кетгач, прокурорлар 2006 йил сентябрда яна қайтадан иш бошлашди. Бироқ собиқ бош вазирни жиноий жавобгарликка тортишолмади.

❖ Банк ва мижоз

ИЗЧИЛЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

«ИПОТЕКА БАНК» АТИБ НАМАНГАН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИ ШУНДАЙ ДЕЙИШМОҚДА

IPOTEKA BANK

Наманган шаҳридаги 43-болалар боғчаси тарбиячиси Муҳаббат Турсунова кўпдан буён уй-жой шароитини яхшилаб олишни орзу қиларди. Лекин янги уй қуриш ва айниқса уни сотиб олиш учун каттагина маблағ зарурлигини ўйлаб боши қотарди. Бу ёқда болалар катта бўлиб қолган...

Ана шундай дамларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори айни муддао бўлди.

Мақсад — бозор муносабатлари ва туб иқтисодий ислоҳотларга мос турмуш тарзини шакллантириш йўлида аҳолининг шинам, замонавий турар-жойларда яшашини таъминлаш ҳамда ўз-ўзига коммунал хизмат кўрсатувчи уй-жой ширкатлари ишини такомиллаштиришдан иборат.

Муҳаббат Турсунова ўтган йилнинг 24 октябрь куни тайёр уй-жой (5 хонали) сотиб олиш мақсади борлигини «Ипотека банк» АТИБ Наманган вилоят филиали ходимларига маълум қилди. Бу ердаги ходимларнинг хушмуомалалиги ва ўз ишларига садоқатини кўриб қойил қолди. Филиал ходимлари эса ушбу фуқаронинг ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқишди. Унинг уй-жойга эҳтиёжи борлигини аниқлашди. Айрим ҳужжатларни тайёрлашда кўмак беришди. 2006 йилнинг 7 ноябрида 7 млн. 125 минг сўм кредит ажратилди. Ниҳоят, Муҳаббат Турсунова 5 хонали замонавий уй-жой сотиб олди. Айни пайтда кредит фоизларини мунтазам тўлаб бормоқда.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси Наманган филиали ходими Аюб Эргашевга 4 млн. 659,9 минг сўм, Наманган шаҳридаги 15-болалар боғчаси тарбиячиси Матлуба Иномовага 2 хонали замонавий уй-жой сотиб олиш учун 5 млн. сўм, вилоят ИИБ ходими Собитхон Мирзаевга 7,5 млн. сўм, Наманган шаҳар хусусий нотариал идораси ходими Фарида Султоновага 4 млн. 200 минг сўм, юридик коллежи ўқитувчиси Малоҳат Умрзоқовага уй-жой шароитини яхшилаб олиши учун 1 млн. 440 минг сўм ипотека кредитлари берилди.

Мана 2 йилдирки, филиал жамоаси аҳоли хизматида. Шу қисқа давр ичида унинг жамоаси фуқароларнинг бежирим, шинам уй-жойларга эга бўлиши йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Якка тартибда уй-жой қурилиши учун зарур бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга кредит бериш ишларини намунали йўлга қўйди. Бунда у мижоз хоҳишига кўра, тегишли ҳужжатлар тайёрлаш, у ёки бу муддатга оз фоизли кредитлар бериш, бозор талаблари асосида қимматли қоғозлар амалиётини қўллаш, уй-жой қурилишига замонавий техник-муҳандислик лойиҳаларини таклиф этиш, иқтисодий ва самарали уй-жой экспертизалари ўтказиш каби янгиликларни жорий этди.

Филиал ўзига қарашли минибанклар (10 та) орқали ҳам мижозларга қулай ва кенг хизмат турларини кўрсатиб келмоқда. Ушбу минибанкларнинг 4 таси давлат дастури асосида ташкил қилинган бўлиб, у янги ташкил этилган фермер хўжаликларига ва Наманган вилоятининг чекка аҳоли яшаш пунктларида қулай ва замонавий банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Жумладан, ҳисоб-китоб ва тўлов ўтказиш, кредитлаш хизматлари, хусусан истеъмол, ипотека кредитлари ва ҳар хил тижорат кредитлари, фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар бериш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, пластик карточкалар орқали коммунал тўловлар қабул қилиш каби хизматлар бажарилмоқда.

Банк бўлими томонидан вилоят аҳолисига кенг қамровли хизмат кўрсатилишини янада яхшилаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш Маҳкамасининг «Боғишамол» аҳоли пунктида шу йилнинг биринчи чорагида яна 1 та минибанк очилди.

Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб механизмини кенгайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар» асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида банк бўлими мижозлари бўлган савдо дўконлари, ёнилғи қуйиш шохобчалари, дориханалар, умумий овқатланиш объектларига ҳамда банк бўлимининг 12 та жамғарма омонат кассасига жами 50 та терминал ўрнатилди. Пул маблағларининг банк орқали айланишини янада фаоллаштириш мақсадида банк мижозларининг аксарияти иш ҳақларини пластик карточкалар орқали тўлаш тизимига ўтишди. Ушбу ташкилотларнинг жами 14400 нафар ходими 2005-2007 йиллар давомида пластик карточкалар билан таъминланди.

2007 йил 1 чораги давомида банк бўлими томонидан вилоят иқтисодиётининг реал секторини кредитлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам бериш ҳамда аҳолига истеъмол ва ипотека кредитлари бериш каби мақсадларда 165 та хўжалик юритувчи субъектга 1 млрд. 155 млн. сўм миқдорида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берилди. Шундан 327 млн. сўм кичик бизнес субъектларига ажратилди ва ушбу берилган кредитлар ҳисобидан 65 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Банк филиали томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини юқори даромад келтирувчи турли омонатларга жалб қилиш, фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирги кунда банк филиалида 12 та омонат-жамғарма ва махсус кассалар мавжуд бўлиб, шундан 3 та махсус касса аҳолининг коммунал тўловларини қабул қилишга ихтисослаштирилган. 2007 йил 1 апрель ҳолатига банк филиалидаги аҳоли қўйилмалари миқдори 501 млн. сўмни ташкил этади.

Аҳолининг коммунал тўловлардан бўлган қарзларини ундириш борасида банк бўлими томонидан 2007 йил 1-чораги давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Наманган шаҳар газтаъминот корхонаси, шаҳар сувоқава корхонаси, Наманган шаҳар иссиқлик манбаи корхоналари билан ҳамкорликда аҳолининг коммунал тўловлардан бўлган қарзлари ундириб бориляпти. Бундан ташқари, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида банк томонидан кўчма автокассалар орқали одамлар ҳузурига бориш ҳам йўлга қўйилди. Амалга оширилган ишлар натижасида банк бўлими томонидан 2007 йил 1 чораги давомида 1168 млн. сўм миқдорида коммунал тўловлар йиғилди.

Хуллас, «Ипотека банк» АТИБ Наманган вилоят филиали жамоаси қисқа муддатда эл эътиборини қозонди. Уларнинг нияти янги-янги хизмат турларини жорий этиб, одамларга бундан-да яхшироқ хизмат қилиш.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятлари бирлашиши муносабати билан «Голос Узбекистана» газетасининг ҳисоб рақами ёпилади.

Барча масалалар бўйича бирлашган таҳририятга мурожаат қилиш мумкин. ***Тел: 136-74-33.***

❖ Биз билган ва билмаган тарих

САМАРҚАНД ҚОҒОЗИНИНГ ДОВРУҒИ

Маълумки, қадим Самарқанд ўрта асрлар даврида ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири ҳисобланган. Шунинг билан бирга воҳада ҳунармандчиликнинг муҳим тармоқларидан ҳисобланган ёзув қоғозлари ишлаб чиқариш VII асрнинг охирларидан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача дунёга маълуму машҳур бўлган.

Тарихий маълумотларга кўра, Самарқанд шаҳри яқинидан оқиб ўтувчи Қорасув (Сиёҳоб) ариғи соҳилида икки мингдан зиёд турли хил, яъни ун, ёғ, совун, қоғоз каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашган тегирмонлар фаолият кўрсатган. Шундан 400 тасида эса фақат қоғоз ишлаб чиқарилган бўлиб, у Буюк ипак йўли бўйлаб бутун дунёга тарқалган. Бу ҳақда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарида шундай ёзади:

«Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар. Жувози қоғозлар суйи тамом Конигилдан келадур. Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни оби раҳмат ҳам дерлар».

Бир неча асрлардан бизгача етиб келган Самарқанд қоғозига битилган қўлёзма асарлар фақат нафис ёзуви билангина эмас, балки қоғозининг сифати билан ҳам ажралиб туради. IX-X асрларда яратилган минглаб араб ва форс тилидаги қўлёзмалар Самарқанд қоғозига битилган. Ўта сифатли, ёзишга қулай бўлган олий нав қоғозлар Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда ҳам машҳур саналиб, унга талаб юқори бўлган.

Айрим сабабларга кўра сўнгги икки-уч аср мобайнида бу санъат тури унутилганди, қоғоз ишлаб чиқариш тўхтаганди. Аммо истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз тикланиб, ҳунармандларимизга кенг йўл очиб берилгани боис табиий шароит ва маҳаллий хомашёлар асосида кимёвий моддалар аралашмаган ҳолда машҳур Самарқанд ипак қоғози ишлаб чиқариш ҳунарманд Зариф Мухторов томонидан йўлга қўйилди.

— 1995 йили Бухоро шаҳрида тарихий манбалар ва жойларни ўрганиш, уларни қайта тиклашга доир ўтказилган халқаро анжуман менда катта таассурот қолдирган эди, — дейди «Конигил мерос» қоғоз ишлаб чиқариш кичик корхонаси раҳбари, ҳунарманд Зариф Мухторов. — Чунки, унда Самарқанд қоғозининг довруғи, унинг минглаб тарихий манбаларнинг шу кунгача етиб келишида муҳим омил бўлганлиги бот-бот такрорланди. Шу сабаб бўлиб, машҳур Самарқанд ипак қоғози ишлаб чиқаришга 1996 йилдан киришдик. Бунинг учун Сиёб ариғи бўйидаги қадимги сув тегирмонини ишга тушириб, дастлабки қоғозни пахта чиқиндисидан тайёрладик. Кейин қадим анъаналарни ва хориж тажрибасини ўрганиб, Самарқанд қоғозини машҳур қилган нарса тут пўстлоғи эканини аниқладик. Чунки тут пўстлоғидан тайёрланган қоғоз ўта сифатли бўлиб, у уч минг йилгача сақланар экан. Қадимги қўлёзмалар, китоблар, шоҳларнинг фармойишлари Самарқанд ипак қоғозида ёзилган бўлиб, бугунгача сақланиб келган.

Шу тарзда биз ҳам маҳаллий тут пўстлоғидан қадимги ипак қоғози ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Японияниг «JICA» халқаро ҳамкорлик ташкилоти қоғоз тайёрлашда энг зарур бўладиган ускуналар тақдим этди. Бу эса ишимизни енгиллатиб, янада сифатли қоғоз ишлаб чиқаришга эришаяпмиз. Шунинг билан бирга биз шу ернинг ўзида табиий бўёқ тайёрлашни ва четга гул солишни ҳам йўлга қўйдик. Бунинг натижасида йигирмага яқин киши иш билан таъминланди. Кўплаб шогирдлар етишиб чиқмоқда. Мақсадимиз аждодларимиз томонидан қолдирилган меросниг абадийлигини таъминлаш. Қадим шаҳримизга ташриф буюраётган сайёҳлар, меҳмонларга бой ҳунармандчилигимизнинг юксак намуналарини кўрсатиш.

Дарҳақиқат, миллий ҳунармандчилигимиз тарихига юксак эътибор қаратган Зариф Мухторов Ҳиндистоннинг Жайпур шаҳридаги қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари тарихи билан ҳам танишиб қайтди.

Айни пайтда «Конигил мерос» қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси Сиёб ариғи бўйида одмигина бинода фаолият олиб бормоқда. Асосан тут, зиғир, пахта хомашёсидан қоғоз ишлаб чиқараётган корхона маҳсулотларига нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам қизиқиш ортмоқда.

Сиёб ариғи сувидан ҳаракатга келаётган тегирмон шаклидаги қурилма тут поясини қайта ишлашда асосий омил ҳисобланади. Майда кукун шаклига келтирилган тут пўстлоғи тоғларда ўсувчи ширач ўсимлиги илдизи билан аралаштирилиб обдон қайнатилади. Ундан кейин ҳосил бўлган қуюқ ширали суюқлик сузгичдан ўтказилиб, қолипларга қуйилади. Қарабсизки, ўн олти босқичдан ўтган неъмат тайёр қоғоз ҳолига келмоқда.

— Ҳозир бизда 3 турдаги қоғоз тайёрланмоқда. Маҳсулот асосан тут поясидан олинади. Биринчиси, ёзув учун мослаштирилган бўлса, иккинчи нави миниатюра асарлари чизишга мўлжалланган, учинчи нав қоғозларимиздан саноатда фойдаланиш мумкин, — дейди корхона ишчиси Ислом Мухторов. — Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳсулотларимиз тўлиқ табиий хомашёлар асосида тайёрланади. Қоғоз тайёр бўлгунча 16 босқичдан ўтади. Кейин уни ёзиш ҳолига келтириш учун балиқ чиғаноғи ёки қайроқ тош билан силлиқланади.

Шунингдек, бу ерда тайёрланаётган қоғозлардан сатира ниқоблари ҳам ясалмоқда. Ушбу ниқоблар Самарқандга келган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозиргача «Конигил мерос»да ишлаб чиқарилаётган қоғозларга Франция, Германия, Япония каби давлатлардан буюртмалар тушди. Маҳсулотлар экологик жиҳатдан зарарсизлиги, ундаги ёзув ва тасвирлар қуёш нури тушса ҳам, намда қолса ҳам сифати ўзгармаслиги билан ажралиб туради. Яқинда корхонани доимий равишда хомашё билан таъминлаш мақсадида Самарқанд тумани ҳокимининг қарори билан тут майдони барпо этиш учун 1 гектар ер ажратилди.

— Корхона фаолиятини ривожлантириш, Самарқанд қоғозининг довруғини қайта тиклаш учун мавжуд имкониятларимизни ишга солишимиз керак, — дейди туман ҳокими Баҳодир Саъдуллаев. — Сабаби ушбу корхона жамоаси асрлар мобайнида жаҳоннинг эътиборида бўлган Самарқанд қоғози довруғини қайта тиклаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Самарқанд туризм шаҳри сифатида ривож топар экан, корхонанинг келажаги ҳам порлоқ бўлади, албатта.

— Ёшлигимизда ота-боболаримиздан кўп эшитганмиз, шу Сиёб ариғи бўйида турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашган тегирмонлар бўлган экан, — дейди «Конигил» маҳалласи оқсоқоли, фахрий ўқитувчи Содиқ Рофиев. — Асрлар ўтиб, улардан бирортаси ҳам сақланиб қолмаган. Буни қарангки, асли кулоллар оиласида вояга етган Зариф Мухторов тарихий қадриятларимизни тиклаб, катта ишга қўл урди. Ҳозир маҳалламиздаги 10 нафарга яқин ёшни ўз ёнига олиб, қадимий қоғоз ишлаб чиқарадиган обжувозни барпо этди.

Самарқанд қоғози ҳақида эшитган хорижий сайёҳлар ушбу корхонага келишмоқда. Ўйлайманки, VIII аср — IX аср биринчи ярмида бутун Яқин ва Ўрта Шарқда қоғоз ишлаб чиқарувчи ягона йирик марказ бўлган Самарқанднинг бугунги қоғози қадимги довруғини тиклайди ва тез орада дунёга машҳур бўлади.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.



Суратларда: *корхона раҳбари Зариф Мухторов; уста Санжар Мухторов; XIII-XIV асрлардаги Самарқанд қоғозига битилган ёзув.*

❖ Футбол

ЙЎҚОТИЛГАН ОЧКОЛАР

Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати олий лига баҳслари турдан турга қизғин ва муросасиз тус олмоқда. Буни мусобақа жадвалида пешқадамлик учун жиддий кураш кетаётганлигидан ҳам билса бўлади. Поёнига етган 7-тур учрашувларидан сўнг, Фарғонанинг «Нефтчи» футболчиларини ҳисобга олмаганда, барча жамоалар очко йўқотганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Чемпионат бошида шовшув кўтарган Тошкентнинг «Қурувчи» жамоаси сафарда Самарқанд динамочилари билан очко бўлишган (1:1) бўлса, Муборакда «Машъал» аъзолари «Андижон-ЎзДЭУавто» футболчиларини доғда қолдиришди — 2:1.

Кейинги йилларда фақат чемпионат етакчилари сафида юрадиган Қаршининг «Насаф» жамоаси кўпчиликни ажаблантирмоқда. Охирги турда Зарафшонда «Қизилқум-Олтин» футболчилари меҳмони бўлган Баҳром Ҳакимов шогирдлари ўз ҳисобларига навбатдаги мағлубиятни ёзиб қўйишди — 3:1. Бу «Насаф»нинг мавсумдаги тўртинчи мағлубиятидир.

Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси эса яна ўз мухлисларини хурсанд қилди. Бу йил ўзининг олтмиш йиллик юбилейини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Юрий Вазгенович Саркисян шогирдлари Тошкентда «Трактор» жамоаси дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Локомотив» — «Шўртан» — 0:0, «Металлург» — «Вобкент» — 0:0, «Навбаҳор-Н» — «Тўпаланг» — 2:1.

«Бухоро» — «Пахтакор» жамоалари учрашуви эса кеча бўлиб ўтди.

8-тур ўйинлари 4-5 май кунлари ўтказилади.

❖ Интер-спорт

ВАЛУЕВГА ЯНГИ МУРАББИЙ ИЗЛАНМОҚДА

Ўта оғир вазнли боксчи, россиялик собиқ жаҳон чемпиони Николай Валуевнинг менежери Борис Димитров мухбирлар билан суҳбатда Николай учун янги мураббий изланаётгани ҳақида маълумот берди. Менежернинг гапларига қараганда, янги мураббий юқори малакали, жаҳон талабларига жавоб берадиган устозлардан бири бўлиши керак экан. «Николай учун янги мураббий тайинланмаса бўлмайди, — дейди Борис Димитров. — У хорижлик мутахассис бўлиши кутилаяпти. Бундай дейишимга сабаб, ҳаммага маълумки боксчининг мураббийи Манвел Габриэлян охирги жанг пайтида жиддий камчиликларга йўл қўйди. Ахир, мураббий дегани боксчининг самимий суҳбатдошига айланиши, унинг қалбига йўл топиб, ғалабага руҳлантириши, имкониятларини юзага чиқариш учун жўяли маслаҳатлар бериши лозим. Манвел эса Николайни қийин аҳволда қолдирди, бақириб-чақириб, дашном беришдан нарига ўтмади». Менежернинг сўзларига қараганда, янги мураббийни излаш ишларига машҳур иш юритувчи Дон Кинг бошчилик қилаётган экан.



Эслатамиз, Валуев ҳамюртимиз Руслан Чагаевдан енгилиб, чемпионлик камарини бой бергандан кейин дам олишга қарор қилган. У кеч кузга бориб, навбатдаги жангга тайёргарликни бошлар экан.

❖ Мулоҳаза

ҚЎШИҚ ФАҚАТ ЁШЛАР... УЧУНМИ?!

Қўл телефонимга SMS келади. Очиб ўқийман. Ҳозир ёшлар орасида машҳур бўлган қайсидир қўшиқни ёзиб олиш таклифи бўлади. Бор-йўғи 75 цент (сал кам минг сўм) пулингизга ичингиз ачимаса, сиз бир дақиқада шу қўшиқни қўл телефонингизга кўчириб, уни исталган пайтда эшитишингиз мумкин. Яхши-да. Кўча-кўйдаги худди шу ҳожатбарорлик билан машғул тадбиркорлар эса бундай қўшиқни икки ҳисса баҳосига сизга тақдим қилишади ва телефонингизга ёзиб беришади.

Узоқни бир қадам қиладиган бу техника мўъжизасига гап йўқ. Турли қўшиқлар, қизиқарли ўйинлар, суратлар... эса қўшимча имкон. Чарчаганда ҳордиқ чиқариш воситаси.

Аммо, мазкур хизматни таклиф қилаётган уяли алоқа компаниялари бу телефонлардан фақат қўшиқсевар ёшлар фойдаланишяпти деб ўйлашади, шекилли. Негаки, ойда ўнлаб оладиган худди шундай SMS таклифларда эстрада юлдузларининг машҳур «хит»лари одамни хит қиладиган олди-қочди қўшиқлар, ҳар хил сўзлар ва қурама мусиқалар...

Авлод авлоддан ўзади, ўзгаради дейишади. Ҳозирги ёшларимизга шу қўшиқлар ёқар. Майли эшитсин, ойнаи жаҳонда бетўхтов берилаётганидан қаноатланмаса қўл телефонига ёздириб олиб, юз, минг карра эшитсин. Эътироз йўқ.

Лекин, бугунги кунда қўл телефонларидан барча ёшдаги кишилар фойдаланишяпти. Улар орасида эллик, олтмиш ёшлилар, қўйингки кекса авлод вакиллари ҳам бор. Бор эмас, кўпчилик. Улар учун... ўзлари севган мумтоз қўшиқларни ким тавсия қилади, ким хизмат ҳақи эвазига уни қўл телефонига ёзиб беради? Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби ўзбек қўшиқчилигини дунёга танитган машҳур ҳофизларимизнинг ўлмас ашулаларини ким шу усул билан тарғиб қилади?

Қайсидир студияда ўтириб замонавий олди-қочди қўшиқларни телефонларга жўнатиш орқали пул ишлаётганларни кўя турайлик. Айнан мумтоз қўшиқларимиздан бир-иккитасини қўл телефонимга ёздирмоқ, ишдан чарчаган пайтда эшитиб ҳузурланмоқ орзусида Урганч шаҳридаги бир неча шундай хизматлар билан машғул нуқталарга кирдим. У ерда ҳам асосан ёшлар учун мўлжалланган енгил қўшиқларни тавсия қилишди. Ҳатто уяли телефон компаниялари томонидан чиқарилган турли хизматлар борасидаги реклама-рисолаларда ҳам шу аҳволни кўрдим. Уларда нафақат ўзимиздаги, балки хориждаги кўплаб гуруҳларнинг юзлаб қўшиқларини ёзиб бериш тавсия этилади. Афсуски, бу реклама-рисолаларда ҳам ақалли биронта мумтоз қўшиқчимиз ёки машҳур мумтоз қўшиғимиз ҳақида бир сатр гап йўқ.

Ушбу сатрларни ёзаётган пайтимда қўл телефонимга навбатдаги SMS тушгани таниш мусиқадан маълум бўлди. Очиб ўқидим. Унда эса эски тос, эски ҳаммом... қайсидир бир ёш юлдузнинг қўшиғи атиги 75 цент ҳисобига телефонимга кўчирилиши таклиф қилинганди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи: ***Умумтаълим мактабларини жорий таъмирлаш***

ЛОТ-1:

1-1. Фарғона шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 20-сонли мактаб;

1-2. Қўқон шаҳри, Сайёд кўчаси, 22-сонли мактаб;

1-3. Бағдод тумани, Қароқчитол қишлоғи, 12-сонли мактаб;

1-4. Бувайда тумани, Қум қишлоғи, 28-сонли мактаб;

1-5. Бувайда тумани, Бегобод қишлоғи, 40-сонли мактаб;

1-6. Данғара тумани, Мулкобод қишлоғи, 30-сонли мактаб;

1-7. Олтиариқ тумани, Қизилтепа қишлоғи, 29-сонли мактаб;

1-8. Риштон тумани, Чек Насриддин қишлоғи, 16-сонли мактаб.

ЛОТ-2:

2-1. Сўх тумани, Демурсад қишлоғи, 10-сонли мактаб;

2-2. Тошлоқ тумани, Сўпилар қишлоғи, 4-сонли мактаб;

2-3. Учкўприк тумани, Раҳматилло қишлоғи, 19-сонли мактаб;

2-4. Учкўприк тумани, Баҳрин қишлоғи, 30-сонли мактаб;

2-5. Фурқат тумани, Навбаҳор қишлоғи, 1-сонли мактаб;

2-6. Ўзбекистон тумани, Сочтепа қишлоғи, 47-сонли мактаб;

2-7. Ўзбекистон тумани, Қоратепа қишлоғи, 57-сонли мактаб;

2-8. Қува тумани, Тожик қишлоғи, 22-сонли мактаб.

Ҳар бир объектнинг таъмирланиш муддати — 80 кун.

Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлигининг халқ таълими бошқармаси.

Манзил: Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 13-уй, телефон/факс: 224-32-31, 224-40-47.

Қурилиш-монтаж ишлари Республика Мактаб таълими жамғармаси ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан биргa) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: ***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-«А» уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламиниг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449

11212 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O`zA yakuni — 21.35
Topshirilgan vaqti — 21.50
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda